

5 000 000 тонна пахта майдонларини ўзлаштирамиз!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 215 (8205). | 12 ноябрь, 1983 йил | ШАНБА | Баҳоси 3 тийин.



ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ИЛҒОР КОЛХОЗ ИБРАТИ

● БЎКА. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзамат пахтакорлари юксак социалистик мажбуриятларини бажардилар. 1020 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43,7 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиниб, она-Ватанга 4450 тонна пахта топширилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди. Хўжаликнинг ютуғига салмоқли ҳисса қўшган Эрмакбой Ўроққулов, Исмоил Қиличев, Эргаш Бозорбоев, Келди Хитоев ҳамда Саидаббор Сулаймонов сингари пахта усталари етакчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 45—50 центнердан ошиб кетди.

Мўл ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишда дала гвардиячилари жасорат кўрсатиб меҳнат қилишди. Умумий ҳосилнинг 90 процентга «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Сервер Усеннов, Элбой Очилов сингари «пўлат от» суворийлари 300 тоннадан пахта териб бергач намуна бўлдилар. Бу ҳосилнинг ҳаммаси ёрдамчиларсиз йиғиштириб олинди. Хўжалик заршунослари термини қизғин давом эттиришяпти.

СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙ

● ОҚҚЎРҒОН. «Озод» колхози деҳқонлари йиллик маррани эгалладилар. Давлатга 2420 тонна пахта етказиб беришди. 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга топширилган пахтанинг 1670 тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида терилди. Шундан 1803 тонна ҳосил фақат биринчи сортга сотилди. Раҳима Турсунқулова, Уммат Алишев, Жамол Бусаломов сингари ўртоқлар бошчилиқ қилаётган бригадаларнинг коллективлари мўл ва сифатли ҳосил етиштириб мусобақанинг олдинги сафида бордилар. Дала гвардиячилари ўртасидаги беллашувда Аваз Убайдуллаев карвонбошилиқ қилди. Унинг терган пахтаси 130 тоннадан ошиб кетди. Колхоз миришкорлари ҳосилдорликни 33 центнерга етказиш учун қизғин курашмоқдалар.

ЯНА 300 ТОННА

● БЕКОБОД. Йиллик маррани эгаллаган Колпакова номли совхоз пахтакорлари она-Ватанга яна 300 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишди. Шу кунгача 645 гектар ердан 1100 тонна пахта йиғиштириб олинди. Дастлабки ютуқда Имон Тўхтабоев, Камол Фозилов, Али Алимбердиевлар бошчилигидаги бригадаларнинг муносиб улушлари бор. Хўжалик далаларидан шу кунгача 300 тоннадан ортиқ ҳосилни йиғиштириб берган район педагогика билим юртининг талабалари ҳам қимматли хом ашёнинг сўнгги мисқоллари териб олинмагунча заршуносларга кўмаклашишга аҳд қилдилар.

ЎҚУВЧИЛАР ҒОЛИБ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Абдулла Қодирий номидаги 29-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан Энгельс номли колхоз пахтакорларига йиғим-теримда яқиндан ёрдам беришяпти. Ўқувчилар бригадаларга бўлиниб, ўзаро мусобақа асосида меҳнат қилиб юқори натижаларга эришмоқдалар. Айни кунларда ҳам ҳар бир киши ҳисобига 50—60 килограммдан подбор терилмоқда. Умуман ўқувчиларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 70 тоннадан ошиб кетди. Бу коллектив сўнгги беш кунлик якуни бўйича ҳашарчилар ўртасидаги мусобақада яна ғолиб деб топилди.



● ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхознинг Х. Дадашев бошлиқ бригадаси пахтакорларни айни кунларда «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолларигача йиғиштириб олиб, коллектив ютуғига ютуқ қўшиш учун курашмоқдалар. Суратда: (чапдан) теримчи Ҳ. Аҳророва, бригада бошлиғи Ҳ. Дадашев ва бригада аъзоси У. Рўзибоевалар пахтазорда.

В. Портнов фотоси.

ЯНА БИР ХУШХАБАР

БЕКОБОДЛИКЛАРНИНГ 64 МИНГ ТОННАСИ

Бекобод районининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги бўлиб ўтган Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, умумхалқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун белгиланган пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажардилар. Она-Ватанга 64 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди.

Бу муваффақиятга мавжуд 12 та пахтакор колхоз ва совхозларнинг ҳаммаси муносиб ҳисса қўшди. Мўл ҳосил учун кураш мусобақасида Ленин номли колхоз меҳнаткашлари олдинги сафда бордилар. Улар ҳозиргача давлатга пахта топшириш йиллик планини 115 процентга етказиб адо этдилар. Гектаридан олинган ҳосилдорлик 40 центнерга етди.

А. Мавлонов номли, «Далварзин», «Ленинград», «КПСС XXV съезди» совхозларининг коллективлари ҳам пахта тайёрлаш планини 110 процентдан ошириб бажардилар.

Ленин номли колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари А. Рўзиматова, А. Усмонов, «Далварзин» совхозидан республикада хизмат кўрсатган пахтакор Б. Отахонов, Ойбек номли совхоздан В. Тўхтабоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг коллективлари меҳнатда фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Бу коллективларда ҳар гектаридан 40—50 центнердан ҳосил олинди.

Механик-ҳайдовчилар йиллик планнинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Ленин номли колхозидан М. Бекмуродов, «Ленинград» совхозидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. Имомов, «Далварзин» совхозидан А. Жалилов, Дзержинский номли колхоздан С. Назимов ва бошқа ўртоқлар машиналардан юксак унум билан фойдаланиб юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда район меҳнаткашларига Тошкент шаҳрининг Ленин ва Ҳамза райони, областнинг Паркент райони ва Бекобод шаҳри ишчи-хизматчилари, мактаб ўқувчилари катта ёрдам бердилар.

Бекободлик пахтакорлар зиммаларига пландан ташқари яна 4 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Ана шу мақсадда теримни уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар.

Районда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам анчагина ютуқлар қўлга киритилди. Пилла топшириш йиллик плани 128 процент адо этилди. Ғалла, шоли, сабзавот, картошка, мева, узум, қовун-тарвуз планлари ҳам анча ошириб бажарилди.

Давлатга чорвачилик маҳсулотлари топшириш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Гўшт топшириш йиллик плани 143,5 процент, тухум плани 81,4 процент бажарилди.

(Бекободлик пахтакорларининг меҳнат муваффақиятларига бағишланган материаллар газетамизнинг учинчи саҳифасида босилмоқда).

ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

Бўка	0,32	107,04	—	106,52
Коммунистик	0,25	106,98	—	110,19
Оққўрғон	0,49	102,04	0,66	103,55
Пискент	0,30	100,97	0,33	70,06
Бекобод	0,86	100,36	0,04	71,27
Ўрта Чирчиқ	0,60	99,20	0,31	84,54
Чиноз	1,00	95,30	1,17	70,91
Ғалаба	0,45	88,83	0,10	68,41
Янгийўл	1,40	85,63	2,11	62,91
Область бўйича	0,59	98,85	0,39	84,14

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил ноябрь ойи иккинчи беш кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Сурхондарё области;

Самарқанд области;

Тошкент областининг Янгийўл райони; Бу район пахта тайёрлаш планини 85,63 процент, шу жумладан машина терими планини 62,91 процент бажарган ва беш кунликда пахта тайёрлашнинг 5,63 процент ўсишини таъминлаган;

Сурхондарё областининг Жарқўрғон райони;

Сурхондарё областининг қўриқ Ленин йўли райони;

Сурхондарё областининг Шеробод райони;

Наманган область, Косонсой районидаги «Кукумбой» совхози;

Сурхондарё область Ленин йўли районидаги Қ. Раҳимов номли совхоз;

Фарғона область Бувайда районидаги «Коммуна» колхози;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Сурхондарё область Шеробод районидаги қўриқ «Гулистон» совхози;

Навоий область Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва давлатга пахта топшириш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1983 йил 11 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Чиноз районига (район партия комитетининг секретари Мамедов, район ижроия комитетининг раиси Абдукаримов, район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси Ерхўжаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Оллоберганова, район комсомол комитетининг секретари Рустамов, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Араббоев ўртоқлар). Бу районда давлатга пахта топшириш йиллик плани 95,30 процент, шу жумладан, машина терими плани 70,91 процент бажарилди. Ноябрь ойининг иккинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик планга нисбатан 4,49 процент, шу жумладан машина теримида 5,26 процент ўсиш таъминланган.

Байроқ Бекобод районидан олиб берилади.

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг пахта йиғим-теримини ташкил этиш ва давлатга пахта топшириш юзасидан районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида социалистик мусобақанинг 1983 йил 11 ноябргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Чиноз районига (район партия комитетининг секретари Мамедов, район ижроия комитетининг раиси Абдукаримов, район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси Ерхўжаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Оллоберганова, район комсомол комитетининг секретари Рустамов, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Араббоев ўртоқлар). Бу районда давлатга пахта топшириш йиллик плани 95,30 процент, шу жумладан, машина терими плани 70,91 процент бажарилди. Ноябрь ойининг иккинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик планга нисбатан 4,49 процент, шу жумладан машина теримида 5,26 процент ўсиш таъминланган.

Байроқ Бекобод районидан олиб берилади.

Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди колхозига (раиси Мараҳимов, партия ташкилотининг секретари Деҳқонов, касаба союз комитети раиси Даминова, комсомол ташкилотининг секретари Султонов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик плани 82,41 процент, шу жумладан машина терими плани 61,90 процент бажарилган. Ноябрь ойининг иккинчи беш кунлигида йиллик планга нисбатан 8,15 процент, шу жумладан машина теримида 17,50 процент ўсиш таъминланган.

Байроқ Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Чиноз районига, Янгийўл районидаги Ниёзов номли, «Партия XXI съезди» колхозларига, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл шаҳрида** (шаҳар партия комитетининг секретари Рибалко, шаҳар ижроия комитетининг раиси Анорқулов, шаҳар комсомол комитетининг секретари Расческина, пахта штаби бошлиғи Раззоқов ўртоқлар) қолдирилди. Бу шаҳарда ҳашарчиларни йиғим-теримга сафарбар этиш топшириғи яхши бажарилган ва ҳар бир кишининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Калинин районига (район партия комитетининг секретари Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Авулқосимов, район комсомол комитетининг секретари Абдураҳмонов, пахта штаби бошлиғи Бадаев ўртоқлар). Бу районда ҳашарчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи яхши бажарилган ва ҳар бир кишининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Оржоникидзе районидан олиб берилади.

Тошкент шаҳридаги Ленин районига (район партия комитетининг секретари Асеп-ков, район ижроия комитетининг раиси Ҳайдаров, район комсомол комитетининг секретари Исломов, пахта штаби бошлиғи Треханов ўртоқлар). Бу районда ҳашарчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи яхши бажарилган ва ҳар бир кишининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Чилонзор районидан олиб берилади.

Чиноз районидаги 1-Май номли 25-ўрта мактабга (директори Шариев, партия ташкилотининг секретари Имомов, касаба союз комитетининг раиси Лутфуллаев, комсомол ташкилотининг секретари Неъматов ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи яхши бажарилган ва ҳар бир кишининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Бекобод районидаги Абдулла Қаҳҳор номли 35-ўрта мактабдан олиб берилади.

Оҳангарон районидаги Терешкова номли 15-ўрта мактабга (директори Давронова, партия ташкилотининг секретари Каримов, касаба союз комитетининг раиси Маматов, комсомол ташкилотининг секретари Мўйидинова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи яхши бажарилган ва ҳар бир кишининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Бўстонлиқ районидаги Абай номли 1-ўрта мактабдан олиб берилади.

Янгиобод шаҳридаги Гагарин номли 7-ўрта мактабга (директори Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари Ниёзова, касаба союз комитетининг раиси Шоюсупов, комсомол ташкилотининг секретари Мусурмонова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи яхши бажарилган ва ҳар бир кишининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Янгийўл шаҳридаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» номли 17-ўрта мактабдан олиб берилади.

Калинин районидаги 190-ўрта ҳунар техника билим юрти коллективига (билим юрти директори Камолов, партия ташкилотининг секретари Шарипов, касаба союз комитетининг раиси Йўлдошев, комсомол ташкилотининг секретари Исроилов ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи яхши бажарилган ва ҳар бир ўқувчининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Бекобод районидаги 158-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юртидан олиб берилади.

Бекобод шаҳридаги медицина билим юрти коллективига (директори Жалилов, партия ташкилотининг секретари Мадалиев, касаба союз комитетининг раиси Тошмуҳамедова, комсомол ташкилотининг секретари Маматалиев ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш топшириғи яхши бажарилган ва ҳар бир ўқувчининг ўртача энг кўп пахта териши таъминланган.

Байроқ Янгийўл шаҳридаги медицина билим юртидан олиб берилади.

Область молия бўлимига Янгийўл шаҳрига, Калинин районига, Тошкент шаҳрининг Ленин районига, Чиноз районидаги 1-Май номли 25-мактабга, Оҳангарон районидаги Терешкова номли 15-мактабга, Янгиобод шаҳридаги Гагарин номли 7-ўрта мактабга, Калинин районидаги 190-ўрта ҳунар-техника билим юртига ҳамда Бекобод шаҳридаги медицина билим юртига кўчма Қизил байроқлар билан бирга илғор теримчиларни рағбатлантириш учун 500 сўмдан пул мукофоти ажратиш топширилди.

СССР Давлат мукофоти лауреатлари

КАСБИДАН ТОПДИ

— Объектларни муддатидан илгари қуриб битказишдан иборат анъанамизни биласизми?— деб сўрайди ғишт терувчи И. А. Конов.— Бу гал биз Сапёрная кўчасидаги уйни муддатидан икки ой барвақт пардозловчиларга топширдик. Бу воқеа бригадиримиз Раҳим Зияев бинокорлик таржимаи ҳолининг 30 йиллигига тўғри келиб қолди.

Раҳим Зияев алоҳида салмоқли туҳфа ҳам олди. «Главташкентстрой»нинг илғор бригадири меҳнатда эришган ғоят катта ютуқлари, қурилиш ишлари самарадорлигини оширишга қўшган улкан шахсий ҳиссаси учун 1983 йилги СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Раҳим ака шундан кейин навбатдаги меҳнат отпускасига чиқди. Кейин объектга келиб, ўзининг ўша коржомасини кияди, қўлига асбобини олиб яна ғишт теришга киришиб кетади. Хўш, ана шу ғиштлар ҳозир қаерларда терилмоқда? Унинг бригадаси турар жой бинолари, мактаблар, болалар боғчалари — одамларга энг зарур бўлган шундай объектлар қуришга ихтисослаштирилган. Бундай объектлар ҳозирдаёқ 150 тага яқинлашиб қолди. Бу — бутун Чилонзордаги ғиштин биноларнинг бешдан бир қисмидир.

— Унинг кўпдан-кўп шогирдлари барпо этган бинолари ҳам ҳисобга олганда ғиштин биноларнинг ярми уларнинг ҳиссасига тўғри келса керак — дейди 159-қурилиш трести 39-бошқармасининг бошлиғи В. Г. Зайцев.— Мен ўзим ҳам унинг шогирдиман.

Зияев «қулай» объектларни изламади, ўз бригадаси учун алоҳида шарт-шароитларни талаб қилмади. Ҳаммаси нарса, шу жумладан таъминот ҳам бошқалардан фарқ қилмайди. Унинг коллективи эса ҳатто ҳозиргидек барқарор ва ғоят тажрибали бўлмаган пайтда ҳам бошқалардан яхшироқ ишлади. Хўш, нима учун?

Зияев реалликни ҳис этадиган киши. Кунларнинг бирида у оддий ғишт терувчилар бригадаси пойдеворни ҳамиша ҳам ўз вақтида қабул қилиб ололмаслигини, дурадгорлар опалубкани, пайвандчилар — каркасларни ўрнатишларини, бетончилар эса монолитни тайёрлаб беришларини, монтажчилар томни ёпиб бўлишларини кутишга қимматли вақт кетишини биринчи бўлиб тушуниб етди. Тушуниш-ю, коллективга ана шу касб усталарини қабул қилди. Йигирма йил муқаддам дастлабки комплекс бригадаларидан бири шундай пайдо бўлган эди.

Вақт ўтиши билан бригадир злобинчилардан ўрнак олиб бригада қурилишининг хўжайини бўлиб қолиши керак деган қарорга келди. Ана шу коллектив республикада биринчилардан бўлиб пудрат хўжалик ҳисобини ўзлаштира бошлайди. Хўжалик ҳақиқатан ҳам «ўзингники» бўлгандан кейин эса унинг равнақи тўғрисида ҳар бир киши ўйлаши керак.

Зияев шу билангина чекланиб қолаётгани йўқ. У айниқса ёшлардан «ўқингиз!— ҳозирги ишчиларга инженерлик билимлари керак»,— деб талаб қилмоқда. Унинг гапи билан бригаданинг 37 аъзосидан ўн киши олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентлари бўлиб қолди. Билимлар ва кенг кўламдаги меҳнат малакаси унинг кишиларига ҳар қандай ишни тез ва сифатли бажаришларига, меҳнат ва материалларни тежаб-тергашларига имкон бермоқда.

Эндиликда эса ана шундай тежаб-тергаш коллективининг ўзи олган юксак социалистик мажбурият — ўн биринчи беш йиллик планини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача бажариш графиги билан мувофиқ ҳолда ишлаш имкониятини яратмоқда. Унинг меҳнат календарида 1984 йилнинг май ойи.

Шундай бўлса ҳам Раҳим Зияевнинг характерида бригаданинг юксак муваффақиятларини белгилаб берувчи асосий фазилат нимадан иборат?

— Афтидан ўзига ва одамларга нисбатан талабчанликдир. Унинг ўзи ниҳоятда интизомли,— дейди И. А. Конов.

— Сўз ва иш билан ёрдам беришга тайёрлиги,— дейди бунга илова қилиб дурадгор Ю. Г. Ларионов.

— Меҳрибонлиги ва самимийлиги,— деб уқтиради ғишт терувчи М. А. Дадашев,— унинг учун бригада — иккинчи оиладир.

— Ҳозир эса у отпускада, тўққиз фарзанди, суюкли невaралари ҳузурида,— дейди табассум билан қурувчилар.

Аммо бригадир уйида ҳам ҳар куни бригададан хабарларни олиб туради. Янги уйининг қурилиши қандай бошланганлиги тўғрисида унга бригада аъзолари — ўғиллари Қобил билан Муҳиддин маълум қилиб турадилар. Қурилиш улар учун ҳам иккинчи оила бўлиб қолди.



Суратда: Раҳим Зияев ўзи раҳбарлик қилаётган бригадада ишлаётган фарзандлари Қобилжон ва Муҳиддинлар билан.

Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ).

В. ЧЕРНОМОРСКИЙ,
(ЎзТАГ мухбири).

ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВГА ЯНГИ ТАЛАБЛАР

ҲОЗИРГИ ДАВРДА Коммунистик партия барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни тугаллаш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада оширишга қаратмоқда. Шу мақсадда илмий-техникавий, ташкилий-сиёсий, иқтисодий ва идеологик воситаларнинг кенг комплексидан фойдаланилмоқда. Ҳозирги босқичда ва яқин келажакда экономикамизнинг ривожланишига мос келадиган меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими ва тарбияси масалалари ҳам катта аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети буни эътиборга олиб ўтган йили «Меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими ва тарбиясини янада яхшилаш тўғрисида» махсус қарор қабул қилдилар. Бу қарорга кўра халқ хўжалигидаги муҳим проблемаларни ҳал қилишда иқтисодий таълимнинг ролини янада кучайтиришнинг конкрет тадбирлари системаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида ҳам иқтисодий таълим ва тарбияни ташаббускорликка, социалистик омилкорликка, масъулиятни оширишга, энг кам чиқим қилган ҳолда юксак пировард халқ хўжалик натижасига олиб борувчи йўлларни ижодий излашга қаратилган иқтисодий тафаккурнинг янги типини актив равишда шакллантиришга тўла қаратиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Экономика соҳасида ҳозирги пайтдаги энг долзарб вазифа ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг асосий кўрсаткичи ҳисобланган меҳнат унумдорлигини кескин кўпайтиришдир. Иқтисодий таълим ва тарбия июнь Пленумида қайд қилинганидек бу ишга жуда муҳим ҳисса қўша олади. Ҳозирги иқтисодий тафаккурнинг ажралмас фазилатларидан бири — чинакам ишчанлик, халқ мулкига, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан фойдаланишга нисбатан омилкорлик билан муносабатда бўлишдир.

Маълумки, иқтисод ва тежамкорлик социалистик хўжаликни юритиш принципи бўлиб, моддий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб ва рационал фойдаланишни ифодалайди ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Улуғ доҳий В. И. Ленин оддий ишчиларнинг ҳар бир пуд металл ва ғалла-ни тежаш тўғрисида ғамхўрлик қилишини коммунизмнинг бошланиши деб атаган эди.

Экономикамизнинг ҳозирги кўламида ҳар бир меҳнаткашнинг ижтимоий бойликдан фойдаланиш ва уни кўпайтириш тўғрисида жон куйдириши алоҳида муҳим аҳамият касб қилмоқда. Иқтисод ва тежамкорликнинг аҳамияти доимо ошиб бормоқда. Буни қуйидаги рақамлар яққол кўрсатиб турибди. Агар моддий ҳаражатларни бир процентга камайтириш СССР халқ хўжалиги бўйича 1970 йили 3,6 миллиард сўм тежаш имконини берган бўлса, 1980 йилда бу кўрсаткич 6,5 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди, 1985 йилга бориб эса 7 миллиард сўмни ташкил этади.

КПСС XXVI съездида бутун совет халқининг эътибори моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлигига яна бир бор қаратилди. Иқтисод ва тежамкорлик партия иқтисодий стратегиясининг энг муҳим принципларидан бири, партия иқтисодий сиёсатининг ўзагидир деган хулоса асосида, съезд «Экономика тежамли бўлиши керак» деган талабни қўйди.

Бу талаб — давр талаби, ривожланишимиз талабидир.

Булар иқтисодий таълим системаси томонидан эътиборга олинди. Иқтисод ва тежамкорлик масалаларига кенг эътибор берила бошланди ва алоҳида курслар: «Тежамкорлик — коммунистик хислат», «Тежамли экономика», «В. И. Ленин, КПСС иқтисод ва тежамкорлик тўғрисида» махсус ўргатила бошланди.

Иқтисодий таълимнинг иқтисод ва тежамкорлик режимига таъсири анча кучайтирилди. Машғулотларда иқтисод ва тежамкорлик йўллари, илғорлар тажрибаси чуқур ўрганиладиган бўлиб қолди. Тингловчилар тежамкорлик шахсий счёти тузиш, амалий машғулотлар бажариш, иқтисодий конференциялар ўтказиш, тежамкорлик кўриклари жараёнида бу масалаларни ҳал қилмоқдалар.

Иқтисод ва тежамкорлик учун кураш меҳнаткашларнинг иқтисодий тарбиясига катта талаблар қўяди. Шунинг учун машғулотларда тингловчиларда хўжасизлик, исрофгарчилик, бефарқликка нисбатан муросасизлик ҳиссини тарбиялаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Тошкент областида, масалан, 1981—1982 ўқув йилида 20 минг тингловчи тежамкорлик шахсий счётини тузиб ишлади, 23 мингдан кўпроғи шахсий муқобил планлар қабул қилди, 15 минг тингловчи эса ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича конкрет таклифлар киритди. Иқтисодий ўқув яхши йўлга қўйилган корхоналарда иқтисод ва тежамкорлик соҳасида яхши ютуқлар қўлга киритилди. Масалан, «Узбексельмаш» заводида 496 тонна металл тежаб қолиниб, бу соҳадаги топшириқ оширib бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми яна бир бор иқтисод ва тежамкорлик масалаларига эътиборни қаратди, иқтисод ва тежамкорлик учун кураш ҳақиқатан ҳам умумдавлат, умумхалқ иши бўлиб қолиши кераклигини таъкидлади.

Пленум кўрсатмасига асосан иқтисодий таълим системасининг ўқув программаларига 1983—1984 ўқув йилидан бошлаб янги ўқув курслари, жумладан, «Иқтисод ва тежамкорликнинг илғор тажрибаси» деган курс киритилди. Бу иқтисодий таълимнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илғорлар тажрибасини кенг ёйишга кўрсатадиган таъсирини янада кучайтириши шубҳасиздир. Иқтисодий таълим кейинги йилларда қимматли тажрибалар, машғулотлар ўтказишнинг самарали усул ва методлари билан бойиди. Булар иқтисодий ўқув самарадорлигининг ошишига, унинг ишлаб чиқаришга таъсирини кучайтирди. Аммо шу билан бир қаторда меҳнаткашлар иқтисодий таълими системасида бир қатор камчиликлар мавжуд. Айрим машғулотлар зерикарли, юзаки ва паст савияда ўтказилади, ҳозирги юксак талабларга жавоб бермайди.

Идеологик ишнинг муҳим участкаси ҳисобланган партия ва иқтисодий ўқувнинг аҳволини чуқур анализ қилган июнь Пленуми бу соҳадаги мавжуд камчиликларни рўй-рост очиб ташлади, ўқувнинг таъсирчанлиги ва сифатини янада ошириш йўлларини белгилаб берди.

Иқтисодий таълим системаси олдида турган ҳозирги пайтдаги долзарб вазифа — мавжуд камчиликларни тугатиш ҳамда ҳар бир корхонада иқтисодий таълимни яхши йўлга қўйиш учун зарур тадбирларни амалга оширишдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов айтганидек, «Сиёсий ўқишнинг маъноси шундан иборатки, ҳар бир киши ҳозирги кун шароитида партиянинг сиёсатини чуқур тушуниб олсин, олган билимларини амалда қўллай билсин, ўз бурчини равшанроқ тасаввур этсин ва амалда бажарадиган бўлсин».

Иқтисодий таълимнинг самарадорлиги ўқув машғулотларининг мазмуни ва назарий даражаси, унинг амалий йўналиши, пропагандист кадрлар билан қай даражада таъминланганлиги, ўқув жараёнига раҳбарлик, илмий-методик база аҳволига бевосита боғлиқдир. Бу иш партия, касаба союз ва хўжалик раҳбарларининг диққат марказида бўлиши, улар томонидан доимий равишда ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турилиши керак.

Ўқув машғулотларининг илмий, назарий савиясини пасайтирмаган ҳолда унинг амалий йўналишини кучайтириш, ишлаб чиқариш, меҳнат коллективи ҳал қилаётган вазифалар билан боғлаш лозим.

Ўқувнинг актив форма ва методларини ривожлантириш иқтисодий таълим самарадорлигини оширишнинг зарур шартларидан биридир. Бунда тингловчилар тайёрланган доклад ва рефератларни коллектив равишда муҳокама қилиш, баҳслар уюштириш, ўқитишнинг проблематик усулидан қўлланиш, илмий-амалий конференциялар ўтказиш, амалий вазифаларни бажариш сингари синалган таъсирчан формалардан фойдаланиш айни муддаодир.

Кейинги пайтларда ўқувнинг самарадорлиги ва тингловчилар активлигини ошириш метод ва формалари кенг қўлланилмоқда. Бу соҳада Тошкент области партия ташкилотларида ижобий тажриба тўпланганлигини таъкидлаш керак.

Иқтисодий таълим таъсирчанлигини таъминлаш унинг партия иқтисодий сиёсатини амалга оширишга, беш йиллик топшириқларини бажаришга, коммунистик тарбиянинг яхшилашга қўшадиган ҳиссасини янада оширади.

Н. УСМОНОВ,
Тошкент халқ хўжалиги институти доценти, иқтисод фанлари кандидати.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

«ҒАЛЛАҚУДУҚ»ЛИК ГУЛСУН ОПА

Бу камтарин аёл билан совхознинг марказий қисмида замонавий болалар боғчаси очилишига бағишлаб ўтказилган маросим чоғида танишган эдим. Ўшанда Гулсун опа ажойиб бинога ҳавас билан боқар, беҳад қувонарди.

— Бир маҳаллар бу ерлар тап-тақир чўл эди,— дейди бизга Гулсун опа,— эндиликда эса посёлкамиз тобора чирой очиб бормоқда. Янги боғчада болаларимиз яйраб-яшнаб юришади. Аёлларимиз хотиржам ишлашади.

...Яқинда Гулсун опа хонадонида бўлдик. Кўксида «Қаҳрамон она» ордени порлаб турган субҳатдошимиздан фарзандлари ҳақида сўраймиз.

— Ўн бир болам бор,— дейди у.— «Ўнта бўлса ўрни бошқа» деганларидек, ҳар бири азиз, суюкли. Уларга қараб кўзим қувнайди. Кўзимга нур, белимга қувват қўшилгандай бўлади. Етти фарзандим совхозда меҳнат қилишади. Манзура ва Мухаббат далачиликда, Ўроз — шофёр, Ёқуб — тракторчи Акмал — чорвадор-оператор, Мастура ва Гулсаралар фермада ишлашади. Гулчеҳра, Жумагул, Исломбеклар мактабда ўқишади.

— Дарвоқе, Гулсара ва Мастуранинг ишлари қандай, касбларини эгаллаб олишдими,— қизиқиб сўраймиз Гулсун опадан.

— Соғувчиликка қаттиқ меҳр қўйишган улар. Тинч-тинчишмайди қизи тушмагурлар.

— Гулсара бу йил ҳар сигирдан 4600 килограммдан, Мастура 4500 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олишган,— деб суҳбатимизга қўшилади совхоз касаба союз комитетининг раиси Эмин ака Измерли.— Опасингиллар мусобақа олдида боришяпти. Улар тажрибали соғувчилардан қолишмаяпти.

— Совхоз томонидан Ўроснинг оиласига кўп хонали шинам квартира берилди,— дейди оила бошлиғи Сотиболди ака.— Бундай эътибордан бошимиз осмонга етди. Мана бу хоналарни яқинда қура бошладик. Қурилиш битгач, хонадонимиз янада кенгаяди. Ахир, неваралар кўпайяпти. Минг шукур, ҳеч нарсадан камлигимиз йўқ.

«Қаҳрамон она» ордени ёнига III даражали меҳнат шуҳрати ордени ва қатор медалларни тақиб олган Гулсун опага ҳавас ва эҳтиром билан боқаман. Мана кўп йилларидирки, у совхознинг боғдорчилик бригадасида ишлаяпти. Ҳалол ва самарали меҳнатлари эвазига ҳурмат-эътибор топмоқда.

Ҳа, болаларнинг қувончи билан яшамоқ чинакам бахтдир. Самарали меҳнатинг билан умумий ишга ҳисса қўшиш икки карра бахт. Гулсун Мирзақулова ана шундай бахтга мушарраф бўлганлардан бири. «Ғаллақудуқ»да бундай бахтиёрлар кўп.

Т. ЖУМАНОВ,
Оҳангарон райони.

ТОШКЕНТДАГИ «Малика» трикотаж бирлашмасининг тўқувчиси Машкура Қодирова 1988 йилнинг тўртинчи квартали ҳисобига маҳсулот бера бошлади. Меҳнатсеварлик, касб маҳорати ва резервлардан моҳирона фойдаланиш унга меҳнат календаридан беш йил ўзиб ишлаш имконини бермоқда. Суратда: донгдор трикотажчи М. Қодирова (ўнгда) ўз шогирди Маҳфуза Усмоновага илғор иш усулларини ўргатмоқда.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).



ЁШЛАР КУЧИ БИРЛИКДА

«Биз тинчлик тарафдоримиз!», «Ядровий телбаликка йўл қўймаймиз!», «Қуролланиш пойгасининг кучайтирилишига қарши курашда бирлашамиз!» деган оташин даъватлар 10 ноябрь куни Ўзбекистоннинг турли томонларида янгради ва республикада нишонланаётган Жаҳон ёшлари кунининг асосий мазмуни бўлди.

Бўлиб ўтган митингларда йигит ва қизлар АҚШ милитаристик доираларининг халқаро вазиятни кескинлаштиришга, янги уруш манбаларини келтириб чиқаришга қаратилган агрессив сиёсатини қаҳр-ғазаб билан қораладилар.

Ўзбекистон студентлари бу шонли кунни пахта далаларида меҳнат қилиш билан нишонладилар. Дала шийпонларида «Чақмоқ» девор газетасининг махсус сонлари илиб қўйилди, «Ёшлар тинчлик учун курашда» мавзуида лекция ва суҳбатлар ўтказилди.

Тинчлик учун кураш мавзуи интернационал дўстлик кечаларида асосий мавзу бўлди. Бу кечаларнинг қатнашчилари — республика пойтахтининг йигит ва қизлари, Тошкентда таълим олаётган чет эллик студентёшлар тинч ҳаёт қуришда фаол иштирок этаётганликлари, планетани термоядро фалокатидан сақлаб қолишга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Республика комсомол мактабининг интернационал дўстлик клубида кўплаб халқларнинг тилларида қўшиқлар янгради.

(ЎзТАГ).

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Тошкент районидаги бир қатор колхоз ва совхозлар шаҳар аҳолисини ширин-шакар сабзавот ва мевалар билан таъминлаш учун курашда намуна бўлмоқдалар. Айниқса, райондаги «Тошкент» совхози, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Навоий номли колхозлар сабзаворкорлари, миришкорлари шаҳарликларга кўплаб ширин-шакар нознеъматлар жўнатмоқдалар. Жумладан, «Тошкент» совхози аҳли бу йил «Ташплодоовощ» бирлашмаси билан тузилган шартномага нисбатан 700 тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жўнатди. Шу жумладан, кўзда тутилганидан 1000 тоннадан кўпроқ карам, 400 тоннадан кўпроқ помидор, 1000 тоннадан зиёд картошка армуғон этдилар. Навоий номли колхоз меҳнаткашлари ҳақида ҳам шундай фикрлар айтиш мумкин. Улар ҳам планда белгиланганидан 400 тоннадан мўлроқ маҳсулотни шаҳар меҳнаткашларига юбордилар. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози аъзолари ҳам шаҳарликлар дастурхонини тўкинсочин қилиш учун курашмоқдалар.

Б. СОЛИҲОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА, ТАКЛИФ

Партия йиғилиши олдидан коммунистлар киравериш да ўрнатилган диаграммалар, матбуот маркази хабарлари билан танишиб чиқдилар. Йиғим-теримда ким илғор, ким қолоқ — уларда ойнадек кўрсатиб берилган. Бу партия ташкилоти қўргазмали агитация воситаларидан самарали фойдаланаётганлигини, унинг таъсирчан формаларини излаб топаётганлигини кўрсатувчи далил эди.

Диаграммалардан бирида ҳисобот даврида колхоз экономикасининг ўсиши кўрсатилган. Уни кўздан кечирган киши хўжаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса пахта етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини билиб олади. Колхозда 1981 йилда 4683 тонна, 1982 йилда эса 5003 тонна пахта етиштирилди. Бу йил ҳам колхоз пахтакорлари районда биринчилар қатори йиллик планни бажардилар. Ҳозир эса ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш, она-Ватанга 5350 тонна пахта армуғон этиш учун қизғин кураш давом эттирилмоқда.

Ўн биринчи беш йилликнинг марказий йили кўрсаткичлари бошқа соҳаларда ҳам қувончли бўлмоқда. Гўшт, тухум етиштириш йиллик планлари тўққиз ойдаёқ бажарилди.

«Партия XIX съезди» колхози коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган партком секретари Абдували Ҳолжонбоев эришилган катта меҳнат ютуқлари коммунистларнинг ташкилотчилиги, меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган идеологик, оммавий-сиёсий ишлар самараси эканлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида идеологик, оммавий-сиёсий ишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишида ҳар бир коммунист бевосита иштирок этмоқда. Партия ташкилоти сафига бирлашган 91 нафар КПСС аъзоси ва 4 нафар КПСС аъзолигига кандидатнинг ҳар бири сиёсий ахборотчи, агитатор, лектор ёки шийпон мудири ҳисобланади.

Партия ташкилоти олдига қўйилган вазифаларнинг кўлами кенг ва масъулияти бениҳоя каттадир. Бу вазифаларни бажаришда коммунистлар ва партиясиз активлар ўқуви яхши самара беряпти. Партия ўқувига 65 коммунист жалб этилган. Иқтисодий ўқув системасида ҳам ўрта бўғин кадрларига пухта билим берилмоқда.

Идеологик, оммавий-сиёсий ишлар сифатини ошириш масаласи партком мажлисларида ва партия йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама қилиб борилмоқда. Ҳисобот даврида 10 нафар агитатор, 6 нафар сиёсий ахборотчи, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг 8 нафар штатсиз лектори ҳисоботлари партия йиғилишларида тингланди.

Илғор тажрибаларни кенг ёйишда, деворий газета, «Жанговор варақа»лар ва колхоз радиоузелидан самарали фойдаланилмоқда.

Партия ташкилоти олиб бораётган идеологик, оммавий-сиёсий ишларда эскилик сарқитларига қарши кураш, турмуш маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса тўйларни тартибга солишда партия ташкилоти жиддий иш олиб борди. Натижада тўйларни ортиқча ҳаражатсиз, қисқа вақтда, лекин мазмунли ўтказишга эришилди. Колхозчиларнинг тўй ўтказиш бўйича тажрибаларини райондагина эмас, областимиздаги кўпгина хўжаликлар вакиллари келиб ўрганиб кетишмоқда.

Колхозда физкультура ва спортнинг оммавийлигини ошириш учун ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозир хўжаликда 2 нафар СССР спорт мастери, 11 нафар мастерликка номзод бор.

Лекин партия ташкилотининг идеологик, оммавий-сиёсий ишида ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам йўқ эмас. Янгича урф-одатлар — ёшларни тантанали равишда колхоз аъзолигига қабул қилиш, ишлаб чиқариш ветеранларини маршрутли таксилар мунтазам қатнаб турибди. Район меҳнаткашлари Калинин автотранспорт парки шофёрлари хизматидан мамнун бўлишяпти.

М. ПОРСИХОНОВ,
Бўка район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ҚУШҚЎРҒОН қишлоғи аҳолиси байрам арафасида қурувчилардан совға олдилар. Бу ерда янги озиқ-овқат магазини ишга туширилди. Савдо шахобчаси ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлайди.

И. ПИРМЕТОВ,
Бўстонлиқ райони.

* * *

ШУ КУНЛАРДА район марказидан — Қўйлиққа, Куйбишев номли колхоздан — Фарҳод бозорига, «Бўзсув» совхозидан — Тошкент метрополитенининг Собир Раҳимов номли станциясига, Қаҳрамон қишлоғидан — Янги ТошМИ шаҳарчасига

ОБЛАСТЬ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 1983 ЙИЛ 11 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — хўжаликлар, иккинчи устун — мавсум бошидан тайёрланган пахта, учинчи устун — шу жумладан машинада терилгани (процент ҳисобида), тўртинчи устун — районлар.

КОЛХОЗЛАР:			
«Коммунизм»	136,77	146,13	Бўка
«Октябрь 40 йиллиги»	130,20	138,04	Бўка
Фрунзе номли	128,46	134,88	Бўка
«Партия XIX съезди»	123,67	122,25	Бўка
«Политотдел»	121,54	128,15	Коммунистик
«Ленинизм»	121,51	121,98	Бўка
Свердлов номли	117,30	101,73	Пискент
Ленин номли	116,53	91,58	Бекобод
«Ленинский путь»	115,22	119,51	Коммунистик
«Ленинизм»	114,79	141,18	Оққўрғон
«Победа»	114,50	97,64	Ғалаба
Тимирязев номли	111,30	116,93	Бўка
Охунбобоев номли	111,18	113,91	Ўрта Чирчиқ
«Ленинобод»	109,59	106,11	Бўка
Ҳамза номли	109,52	110,57	Бўка
Охунбобоев номли	108,78	74,80	Пискент
«Коммунизм»	107,96	72,49	Ўрта Чирчиқ
«Ленинград»	107,83	72,34	Ғалаба
Икромов номли	107,50	102,24	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	107,33	71,96	Оққўрғон
Навоий номли	106,64	166,24	Оққўрғон
Жамбул номли	106,11	105,15	Бўка
Куйбишев номли	105,48	112,10	Ўрта Чирчиқ
«Коммунизм»	105,44	72,12	Янгийўл
«Партия XXII съезди»	104,97	62,98	Ўрта Чирчиқ
К. Маркс номли	104,73	87,99	Чиноз
«Ленин йўли»	104,65	113,33	Ўрта Чирчиқ
Энгельс номли	104,61	77,21	Ўрта Чирчиқ
Мичурин номли	104,50	99,68	Бўка
Калинин номли	104,45	91,88	Пискент
Энгельс номли	104,42	77,42	Ғалаба
Навоий номли	104,37	82,69	Чиноз
Свердлов номли	103,82	59,58	Ўрта Чирчиқ
Ильич номли	103,35	103,17	Бўка
«Правда»	103,03	110,02	Коммунистик
«Ўзбекистон»	102,97	100,36	Коммунистик
Вотинцев номли	102,81	80,78	Оққўрғон
Охунбобоев номли	102,58	90,45	Чиноз
Охунбобоев номли	101,98	102,17	Оққўрғон
«Партия XX съезди»	101,91	95,37	Бўка
«Ленин йўли»	101,75	94,12	Бўка
Терешкова номли	101,48	78,99	Ўрта Чирчиқ
Ленин номли	100,82	100,91	Ўрта Чирчиқ
Свердлов номли	100,51	99,84	Коммунистик
«Октябрь 40 йиллиги»	100,25	75,67	Чиноз
Навоий номли	99,56	25,17	Бекобод
«Озод»	99,09	96,39	Оққўрғон
«Ўзбекистон ССР 30 йиллиги»	98,30	91,07	Чиноз
«Победа»	97,79	28,68	Бекобод
«Заря коммунизма»	97,39	105,36	Ғалаба
Дзержинский номли	97,30	82,49	Бекобод
К. Маркс номли	96,88	81,40	Коммунистик
Куйбишев номли	95,56	93,79	Оққўрғон
«Коммунизм»	95,45	57,51	Бекобод
К. Маркс номли	95,31	89,86	Ўрта Чирчиқ
«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»	93,50	74,24	Пискент
Энгельс номли	93,33	32,43	Чиноз
Ким Пен Хва номли	92,91	76,93	Ўрта Чирчиқ
«Ленинобод»	92,78	74,61	Оққўрғон
«Қизил Октябрь»	91,70	80,46	Чиноз
Ленин номли	91,00	46,17	Янгийўл
Ҳ. Олимжон номли	90,97	94,90	Оққўрғон
К. Маркс номли	90,92	91,04	Бўка
«Гулистон»	90,00	72,90	Пискент
Ленин номли	89,00	73,50	Пискент
Киров номли	88,11	52,08	Ғалаба
Калинин номли	86,38	59,80	Янгийўл
«СССР 60 йиллиги»	86,37	79,72	Янгийўл
«Партия XXII съезди»	84,73	74,18	Оққўрғон
Н. Ниёзов номли	84,47	55,50	Янгийўл
«Северний маяк»	83,22	43,79	Ўрта Чирчиқ
«Партия XXI съезди»	82,41	61,90	Янгийўл
Димитров номли	82,22	57,29	Ғалаба
«Интернационал»	82,00	77,08	Янгийўл
Ҳамза номли	81,49	60,48	Ғалаба
«Москва»	79,32	58,72	Чиноз
Киров номли	78,66	45,59	Чиноз
Свердлов номли	78,41	79,32	Ғалаба
Ленин номли	77,16	83,48	Ғалаба
«Ленинизм»	75,41	67,13	Янгийўл
«Москва»	74,14	54,05	Ғалаба
Ҳ. Турсунқулов номли	72,15	33,84	Янгийўл
Тельман номли	67,47	41,13	Пискент
СОВХОЗЛАР:			
«Партия XXVI съезди»	**107,21**	**65,58**	**Пискент**
Сегизбоев номли	**106,95**	**121,32**	**Оққўрғон**
«Оққўрғон»	**105,31**	**112,20**	**Оққўрғон**
Мавлонов номли	**105,08**	**94,77**	**Бекобод**
«Ленинград»	**103,29**	**48,93**	**Бекобод**
«Пискент»	**103,12**	**54,87**	**Пискент**
«Далварзин»	**102,68**	**86,06**	**Бекобод**
САМИС	**102,00**	**104,50**	**Янгийўл**
«Партия XXV съезди»	**101,56**	**79,53**	**Бекобод**
Колшакова номли	**100,77**	**45,11**	**Бекобод**
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги»	**100,71**	**77,33**	**Ғалаба**
Бўка ўқув хўжалиги техникуми	**100**	**77,14**	**Бўка**
«Бўка»	95,90	85,53	Бўка
«Авангард»	93,54	69,05	Бекобод
«Кўкорол»	90,95	93,06	Бўка
«Партия XXIV съезди»	89,76	0,92	Чиноз
Ойбек номли	89,18	87,12	Бекобод
«ТИИИМСХ» ўқув хўжалиги	83,27	78,37	Ўрта Чирчиқ
Киров номли	76,96	43,15	Ғалаба
«Коммунизм»	76,34	50,30	Ғалаба

ИНТИЗОМ, ТАРТИБ, УЮШҚОҚЛИК

БЕКОБОД РАЙОНИНИНГ АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА ПАХТА ТОПШИРИШНИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

ОММАНИНГ ЖАСОРАТИ

РАЙОНИМИЗ иқлим шароитининг деҳқончилик учун бир мунча ноқулай эканлиги ҳаммага маълум. Аксарият кўпчилик хўжаликларимиз территориясида қишин-ёзин тинимсиз шамол эсиб туради. Бу деҳқонларимиз меҳнатини оғирлаштиришдан ташқари экинларни парвариш қилиш агротехникасини шароитга мослаб, тез-тез ўзгартириб туришни тақозо этади. Аммо табиатнинг бундай ҳукми пахтакорларимиз учун ҳеч қачон баҳона бўлган эмас. Улар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам давлат планлари ва зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб келмоқдалар.

Бу йил пахтакорларимиз яна бир оғир синовдан ўтишди. Барча майдонларга экилган чигитнинг униб чиқиши, гектарларда кўчатларнинг бут бўлиши, бинобарин, пировард натижада ҳосил тақдири хавф остида қолди. Бироқ, пахтакорларимиз ҳар йили бўлганидек, жасорат ва маҳорат кўрсатдилар. Табиат хуружига қарши бутун куч ва имкониятларни қарши қўйиб, уюшқоқлик билан кураш олиб бордилар. Район партия комитети, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари ана шу курашга раҳбарлик қилдилар. Жонкуяр коммунистлар, актив комсомол-ёшлар ишнинг энг қийин участкаларида жонбозлик кўрсатишди.

Район партия комитети кўчма бюро йиғилишларини тез-тез хўжаликларда ўтказиб, ғўза парваришида қўлланила бошланган илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, жойларда йўл қўйилаётган камчиликларни рўй-рост очиб ташлаб, уни бартараф этиш йўлларини аниқ белгилашга ҳаракат қилди. Ғўза парваришида амалий ёрдам кўрсатиш учун ҳар бир хўжаликка район партия комитетининг вакили бириктириб қўйилди.

Хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари ҳам ўз йиғилишларида ғўза парваришининг қандай бораётганлигини мунтазам муҳокама қилиб турдилар. Ғўзаси нимжон ривожланаётган, ўсишдан ортда қолаётган участкаларга асосий кучлар жалб этилди, қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш чоралари кўрилди.

Қайси хўжаликда партия ташкилоти актив фаолият кўрсатган бўлса, коммунист ва комсомолларнинг авангардлик роли таъминланган бўлса, ўша ерда ишнинг пировард натижалари ҳам қувонарли бўлди. Бу соҳада, айниқса, Ленин номли колхоз партия ташкилотининг иши диққатга сазовордир. Коммунистлар энг оғир участкаларда ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилдилар ва бутун колхозчиларни ўз ортларидан эргаштира олдилар. Натижада ҳар йилгидек бу йил ҳам колхоз пахтакорлари ёз бўйи ғўзани парвариш қилишда, ҳосил йиғим-теримини намунали уюштириб, кунлик суръатни оширишда районда пешқадамлик қилдилар. Хўжалик партия ташкилотининг иш тажрибаси барча хўжаликларда кенг оммалаштириб борилди.

Район партия ташкилотининг эрта кўкламданоқ ташкилий-сиёсий, оммавий-тарбиявий ишларни кучайтирганлиги, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнатлари қувончли ғалаба билан якунланди. Она-Ватан бекободликлардан 64 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» қабул қилиб олди. Машаққатли довонлардан мардонавор ошган районимиз меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар.

Районнинг ялпи хирмонига Ленин номли колхоз, «Далварзин», «Ленинград», «Партия XXV съезди» ва Мавлонов номли совхозларнинг азамат пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда йиллик план анча барвақт бажарилиб, социалистик мажбурият ҳисобига сўнгги тонна ҳосил топширилмоқда. Жумладан, Ленин номли колхоз пахтакорлари шу кунгача ҳар гектар майдондан 38 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Бу районда энг юқори кўрсаткичдир. Хўжаликнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Адолат Рўзматова билан Абдубашар Усмонов, шунингдек, ёш пахтакорлардан Аваз Ҳамроқулов, Жўра Оллоназаров, Эргаш Пўлатовлар раҳбарлик қилаётган бригадалари коллективлари ҳосилдорликни 48—50 центнерга етказиб, мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этдилар.

Районимиз хўжаликларида ўз касбининг устаси бўлган ўнлаб кичик бўғин командирлари етишиб чиқди. Улар 50—60 центнерчилик ҳаракатининг олдинги сафларида бормоқдалар. 70 ёшдан ошган бўлишига қарамай, ҳамон пахтазорларни тарк этмай, ёшларга хос ғайратшижоат билан меҳнат қилаётган Бобохон ота Отахонов номинг бугунги кунда биз чуқур ҳурмат, эҳтиром билан тилга оламиз. Районимизнинг фахри бўлган Бобохон ота бу йилги оғир шароитда ўнлаб ҳамкасбларига ҳақиқий устозлик қилди, қимматли маслаҳатлари билан катта ёрдам кўрсатди. Ҳозир у раҳбарлик қилаётган бригада азаматлари ҳосилдорликни 54 центнерга етказдилар. Энди 60 центнерлик марра учун курашни давом эттиришяпти.

Валлами Тўхтабоев, Анорбой Қурбонов, Нуриддин Аъзамов, Масъуда Мирвалиева, Файзулла Нарзуллаев, Суюн Абдалиев, Нор Бобоев, Ominaxon Ҳамдамова, Шароф Аҳмедов, Мўйдин Ортиқов, Аҳмад Мавлоновлар сингари тажрибали пахтакорлар раҳбарлик қилаётган бригада коллективлари далаларда мўл ва эртаки ҳосил етиштириш, уни тез ва сифатли йиғиштириб олиб, план ва социалистик мажбуриятларни барвақт бажаришда барчага ўрнак бўлдилар.

Бу йил машина теримини уюштириш раҳбар ва мутахассис кадрлардан ҳам, механизаторлардан ҳам маҳорат ва тадбиркорлик талаб этди. Машина теримининг унумини таъминлаш учун деярли ҳар бир картадаги ҳосилнинг пишиб етилишини аниқ ҳисобга олишга, машина теримини шунга қараб уюштиришга тўғри келди. Бундай мураккаб шароитларда механик-ҳайдовчиларимиз чинакамига маҳорат ва ғайрат кўрсатдилар. Терим айни қизғин паллага кирган кезларда 430 та машина тўхтовсиз ишлаб турди. Маҳмуд Бекмуродов, Сандакбар Сайдуллаев, Анорбой Жалилов, Сулаймон Нозимов, Отамурод Нарзуллаевлар каби дала гвардиячиларимиз ўз агрегатларини унумли ишлатиб, мавсумда 190—200 тоннадан «оқ олтин» теришга эришдилар.

Ҳосилнинг бироз кечикиб ва олдинма-кетин пишиб етилганлиги туфайли бу йил колхозчилар, совхоз ишчилари кучидан ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ фойдаланишни тақозо этди. Шу боисдан кўл теримига эътибор кучайтирилиб, район бўйича умумий сафарбарлик эълон қилинди. Меҳнатга яроқли ҳар бир киши пахтакорларга баҳоли қудрат ёрдам беришга даъват этилди. Кўл теримида оммавий сафарбарлик ва кунлик юксак унумга эришиш мақсадида район партия комитетида махсус штаб тузилди. У йиғим-теримнинг координацион марказига айланди.

Ҳосил тақдири ҳал бўлаётган кезларда республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаати эълон қилиниши пахтазорларда меҳнат активлигини янада кучайтириб юборди. Жойларда «Педагог-1», «Педагог-2», «Битовик-83», «Медик-83», «Дорожник-83» каби зарбдор терим отрядлари ташкил этилди.

Дастлабки довондан ошишимизда бизга самарали ёрдам берган Паркент райони, Тошкент шаҳрининг Ленин ҳамда Ҳамза райони ишчи-хизматчиларидан, Бекобод шаҳридан келган ҳашарчилардан, районимиз корхона, ташкилот ва муассасаларининг ходимлари, мактабларимизнинг ўқувчи ва ўқитувчиларидан ғоят миннатдормиз. Улар шу кунларда ҳам пахтакорларимиз билан ёнма-ён туриб, етиштирилган «оқ олтин»нинг сўнгги граммларигача йиғиштириб олишда жонбозлик кўрсатишяпти.

Районимиз меҳнаткашлари далаларда қолган ҳосилни ҳам тез кунлар ичида тўла-тўкис йиғиштириб олиб, зиммадаги мажбуриятни ҳам шараф билан бажарадилар. Келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратиш учун курашни давом эттирмоқдалар.

Э. ҲАТАМОВ,
район партия комитетининг биринчи секретари.



● «ДАЛВАРЗИН» совхозида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Бу эса йиғим-терим ишларида самарадорликни орттиришга ёрдам бераяпти. Ҳар беш кунда якунланаётган ўзаро мусобақа ғолибларига совхоз кўчма Қизил байроғи билан бирга пул мукофоти, қимматбаҳо совғалар мунтазам топшириб борилмоқда.

Суратда: социалистик мусобақа ғолиби бўлган 6-бўлимга байроқ топшириш пайти.

Е. Ботиров фотоси.

ҲАР БИР ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНДИК

СОВХОЗИМИЗНИНГ экин майдонлари район марказигa туташ. Зафар посёлкасидан туриб кузатган кишига пахтазорларимиз кафтдек текисга ўхшаб кўринади. Аслида ундай эмас. Экин майдонининг ярмига яқини нотекис ва деҳқончилик учун ноқулай карталардан иборат. Бунинг устига юз фоиз майдонлардаги чигитни сув билан ундириб олишга тўғри келди. Ғўзанинг ўсишдан ортда қолганлиги ўрнини ёз бўйи ишловни кучайтириш ҳисобига тўлдириш учун бутун куч ва имкониятлар тўла сафарбар этилди.

Хуллас, ёз бўйи тер тўкиб қилинган меҳнатимиз самараси бугунги кунга келиб ҳаммамизни қувонтирмоқда. Шу кунгача 2570 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 31,4 центнер ўрнига 33 центнердан сифатли ҳосил йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига топширилган 8400 тоннадан зиёд «оқ олтин»нинг 5 минг тоннадан кўпроғи машиналар ёрдамида терилди. 85 процент ҳосил биринчи сортларга сотилди.

Бир қатор илғор бўлим ва бригада коллективлари совхозимизда йиллиқ планнинг барвақт бажарилишига баракали ҳисса қўшдилар. Иномжон Ортиқов бошлиқ 3-бўлим пахтакорлари бир неча йилдан бери ҳосилдорликни оширишда ҳам, уни тез ва сифатли йиғиштириб олишда ҳам пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Улар бу йил 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан хирмон кўтаришиб, мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Ҳозир эса 40 центнерлик марра учун кураш олиб боришяпти.

Назрулла Бобоев етакчилик қилаётган бўлим ишчи-хизматчилари ҳам бу йил маҳорат кўрсатишди. Йил оғир келганлигига қарамай бу бўлимда ҳосилдорлик 36 центнерданга тўғри келаётир.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам хўжалигимизда 50 центнерчилик ҳаракати қизғин давом эттирилди. Шу ҳаракатнинг ташаббускори бўлган Ленин, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари кавалери, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Бобохон Отахонов бошлиқ бригада коллективи 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 54 центнердан хирмон уйди. Муҳиддин Орнишга ҳаракат қилишди. Машина терими конвейер усулида ташкил этилди. Далалардан йиғиштириб олинган ҳосил пешма-пеш қабул пунктларига етказиб берилиб, юқори сортларга топширилди. Анорбой Жалилов, Абдусамад Одилов, Ҳаким Жўраев, ака-ука Ғуломжон ва Аҳмаджон Эргашевлар, Усмон Ўсинов, Абдужалил Ғойипназаров сингари механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда ўз агрегатлари бункеридан 120—130 тоннадан пахта тўкишди.

Совхозимиз пахтакорлари ҳосилдорликни 35 центнерга етказиб, она-Ватанга яна 600 тонна пахта топшириш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилишган. Бу бизнинг республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларига Мурожаатига амалий жавобимиз бўлади.

Айни кунларда далалардаги қолган ҳосилни тўла-тўкис йиғиштириб олиш билан бирга келгуси йил учун пухта замин яратиш тадбирларини ҳам белгилаб олмоқдамиз. Бу йилги эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун резерв ва имкониятлар етарли эканлиги мавсум давомида яққол намоён бўлди. Жумладан, 4 ва 5-бўлимларимизда ҳосилдорлик 28—29 центнердан ошмади. Бу эса шу бўлимлардаги ерлар камҳувватли эканлигидан далолат беради. Шуни ҳисобга олиб, 400 гектардан кўпроқ майдонга эрта кўкламда беда ва маккажўхори экамиз. Қолган майдонларга эса ҳайдаш олдидан ҳар йилги нормадагидан анча кўп миқдорда маҳаллий ўғит соламиз.

Келгуси йили 1200 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 9 та дренаж ишга туширилади. Ана шу дренажлардан чиққан сувларни оқова сувларга қўшиб юборадиган кучли насос станцияси қурилиши бошлаб юборилади.

И. ОРТИҚОВ,
«Далварзин» совхози директори.



ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

● ЛЕНИН номли колхознинг механизатори К. Шерматов айни кунларда кўсак чувиш механизмини юксак унум билан ишлатиб барчага ибрат бўляпти. Бу илғор механизатор кунига 15—20 тонна подборни чувишга эришмоқда.

*

● Райондаги биология фабрикасининг лаборантлари Насиба Умаралиева ва Ҳамида Ҳошимовалар ҳам йиғим-терим мавсумида шу колхоз пахтазорларида заршуносlар билан ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳозиргача «оқ олтин»дан уйган хирмонлари олти тоннадан ошиб кетди.

А. Мальцев ва М. Қорабеков фотолари.

*



ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

БИР НЕЧА йиллардан буён бекободлик пахтакорларга «оқ олтин» йиғим-теримида ёрдам бериб келаяпмиз. Район меҳнаткашларининг ҳар бир ютуғи бизнинг ҳам ютуғимиздир. Чунки уларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишда ўзимизнинг ҳиссамиз бор. Районимизнинг турли корхона ва ташкилотларидан 5400 кишилик коллектив бугунги кунда пахта терими билан банд. Бундан ташқари билим юртларининг ўқувчилари ҳам заршуносларга елкадош бўлишяпти. Бизнинг шу кунгача район далаларидан терган пахтамиз 1500 тоннадан ошиб кетди. Бугунги — район пахтакорларининг катта ғалабасига Чкалов номидаги авиация йиллиқ чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», 2-темир-бетон буюмлари заводлари, Ўрта Осиё темир йўлчилари, Тошкент медицина институти клиникаси ҳодимлари, айниқса, муносиб ҳисса қўшдилар.

Районимиз ҳашарчилари мусобақада бир неча марта ғолиб чиқиб район партия комитети, район ижроия комитети, район касаба союзлари совети ва район комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Алексей Плитченко, Равшан Ҳатамов, Лариса Краскова сингари ҳиммати баланд ҳашарчиларимиз шахсий мусобақада ҳамон пешқадамлик қилиб келмоқдалар. Улар бу йил 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан хирмон кўтаришиб, мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Ҳозир эса 40 центнерлик - марра учун кураш олиб боришяпти.

Назрулла Бобоев етакчилик қилаётган бўлим ишчи-хизматчилари ҳам бу йил маҳорат кўрсатишди. Йил оғир келганлигига қарамай бу бўлимда ҳосилдорлик 36 центнерданга тўғри келаётир.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам хўжалигимизда 50 центнерчилик ҳаракати қизғин давом эттирилди. Шу ҳаракатнинг ташаббускори бўлган Ленин, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат белгиси орденлари кавалери, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Бобохон Отахонов бошлиқ бригада коллективи 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 54 центнердан хирмон уйди. Муҳиддин Орнишга ҳаракат қилишди. Машина терими конвейер усулида ташкил этилди. Далалардан йиғиштириб олинган ҳосил пешма-пеш қабул пунктларига етказиб берилиб, юқори сортларга топширилди. Анорбой Жалилов, Абдусамад Одилов, Ҳаким Жўраев, ака-ука Ғуломжон ва Аҳмаджон Эргашевлар, Усмон Ўсинов, Абдужалил Ғойипназаров сингари механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда ўз агрегатлари бункеридан 120—130 тоннадан пахта тўкишди.

Совхозимиз пахтакорлари ҳосилдорликни 35 центнерга етказиб, она-Ватанга яна 600 тонна пахта топшириш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилишган. Бу бизнинг республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларига Мурожаатига амалий жавобимиз бўлади.

Айни кунларда далалардаги қолган ҳосилни тўла-тўкис йиғиштириб олиш билан бирга келгуси йил учун пухта замин яратиш тадбирларини ҳам белгилаб олмоқдамиз. Бу йилги эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун резерв ва имкониятлар етарли эканлиги мавсум давомида яққол намоён бўлди. Жумладан, 4 ва 5-бўлимларимизда ҳосилдорлик 28—29 центнердан ошмади. Бу эса шу бўлимлардаги ерлар камҳувватли эканлигидан далолат беради. Шуни ҳисобга олиб, 400 гектардан кўпроқ майдонга эрта кўкламда беда ва маккажўхори экамиз. Қолган майдонларга эса ҳайдаш олдидан ҳар йилги нормадагидан анча кўп миқдорда маҳаллий ўғит соламиз.

Келгуси йили 1200 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 9 та дренаж ишга туширилади. Ана шу дренажлардан чиққан сувларни оқова сувларга қўшиб юборадиган кучли насос станцияси қурилиши бошлаб юборилади.

И. ОРТИҚОВ,
«Далварзин» совхози директори.



УНУМДОРЛИК АСОСИ

20 йилдан буён тракторни бошқариб келяпман. Шу давр мобайнида менга бириктирилган машина ва механизмларни авайлаб, ишлатганлигим, уларнинг ишдан чиққан қисмларини ўз вақтида алиштириб, ишловчи қисмларини тез-тез мойлаб борганлигим туфайли техниканинг умри узайди.

Шу йил эрта баҳорда областимизнинг бир группа илғор механизаторлари, мутахассисларининг техникани авайлаш, умрини узайтириш борасидаги Мурожаатига жавобан хўжалигимизда меҳнат қилаётган кўплаб касбдошларим билан бирга ўз зиммамизга юксак мажбуриятлар қабул қилгандик. Бу мажбуриятни шараф билан бажариш учун астойдил ҳаракат қилдим. Ҳозиргача бир тонна ёнилғи, 40 сўмлик ишлов материаллари, 120 сўмлик эҳтиёт қисмларни тежашга эришдим. Ўтган йили трактор учун олган аккумуляторни яна бир йил ишлатишим мумкин. Бунга аккумулятор батареяси сувидан ўз вақтида хабар олиб турганим, тракторнинг аккумуляторга боғлиқ қисмларини бехудага ёниқ ҳолда қолдирмаганлигим туфайли эришдим. Натижада техниканинг унумдорлиги ортди.

Ҳозиргача хўжалигимизда мавжуд 1740 гектар майдондан она-Ватанга 5 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу билан эса дастлабки ғалабани қўлга киритдик. Мен меҳнат қилаётган Файзулла Нарзуллаев бошлиқ бригада коллективида ҳам ҳар гектар ердан шу кунгача олинган ҳосил 33 центнерданга етди. Албатта, бундай мўл ҳосилни етиштириш ва йиғиб-териб олишда биз — механизаторларнинг ҳам муносиб улушимиз бор. Шахсан ўзим «зангори кема»ни мавсумда бенуқсон ишлатиб, 170 тоннадан зиёд пахта тердим. Мусобақадошим Отамурод Сайдуллаев эса хирмонга 150 тонна «оқ олтин» тўкди.

Ҳадемай йиғим-терим ишлари тугаб, кузги-қишки тадбирларни амалга ошириш ҳам бошлаб юборилади. Биз бундан буён ҳам ўзимизга ишониб топширилган техника воситаларини авайлаб асрашга, улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

С. НОЗИМОВ,
Дзержинский номли колхоз механизатори.

ЧАНОҚЛАР ҚЎШИҒИ

Юлдузлар сайрига ошиқар
бу дам
Ҳулкар ҳам, Зуҳро ҳам,
ҳатто тўлин ой,
Истадим, бағрида
бўлмоқни мен ҳам,
Юлдузлар даламга
қўшилган чирой.

Сиз оппоқ шуълалар
қўйнида букун
Миллион чаноқлар саҳфа
очасиз,
Чаноқлар қўшиғи
тинмагай кун-тун,
Сиз меннинг даламга оҳанг
сочасиз.

Сиз Икар парвозн —
турсуноийчилар,
Пахтазор кўкида биринчи
лочин,
Ногоҳ парвозингиз юксак
шунчалар,
Ҳар ким ҳам етолмас
ёзса қулочин.

Сиз зангор кемада, қўлда
ҳам илғор,
Помирдан баланддир
хирмонларингиз,
Олам оппоқ нурга
тўлгандай бўлар,
Бор бўлсин юлдузли
карвонларингиз!..

Абдували БОЙМУРОДОВ,
Бекобод.

● «ЛЕНИНГРАД» совхозининг илғор механик-ҳайдовчиси (суратда) Алиҳайдар Айтимбетов мавсумда 120 тонна пахта теришга сўз берган эди. Йиғим-терим айни қизғин паллада у кунига «зангори кема» бункеридан 8—10 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкди. Зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажарди.

М. Қорабеков фотоси.

МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР

БУГУН А. Мавлонов номли совхоз пахтакорлари йиғим-теримни янада кўтаринки руҳ билан давом эттиришди. Бу бежиз эмас. Район деҳқонларининг дастлабки ғалабасида уларнинг ҳам салмоқли ҳиссалари бор. Хўжалик заршунослари биринчилардан бўлиб халқ хўжалик йиллик планини бажарган эдилар. Давлатга 6450 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди.

— Зиммангдаги вазифани уддаласанг янада баракали меҳнат қиласан, киши,— дейди хўжаликнинг 2-бўлим бошқарувчиси Абдуқодир Абдураҳмонов.— Биз районимиз меҳнаткашларининг ютуғида муносиб ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз. Хўжалигимизнинг Мурод Норматов, Раҳмон Эшназаров, Мамат Йўлдошев сингари тажрибали пахта усталари бошчилик қилаётган бригадаларда оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширилмоқда.

Дарҳақиқат, совхозда йиллик маррани эгалламаган бригада қолмади ҳисоб. Бу пировард натижада район пахтакорларининг умумий ютуғини таъминлашда катта роль ўйнади. Миришкорлар иккинчи довон сари дадил одимлаб боришаяпти. Улар ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида планга қўшимча яна 600 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олишга сўз беришган.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

ЯНГИ ЕРЛАР ҲИСОБИГА

МЕН «Ленинград» совхози ташкил этилгандан буён механизатор бўлиб ишлаб келяпман. Шу йиллар ичида ўзим бошқараётган «К-700» маркали трактorим билан минглаб гектар янги ерларни ўзлаштиришда қатнашдим. Бизнинг совхозимиз территориясида «Оқ олтин» ҳамда Колпакова номли совхозлар ташкил этилди. Бу хўжаликларда ҳозирги кунда пахтадан мўл ҳосил олиб келинмоқда.

Бизнинг совхозимиз механизаторлари ҳар йилгидек бу йил ҳам районда биринчилар қаторидан ҳалқ хўжалиқ планини бажардилар. 1750 гектар ердан 3900 тонна «оқ олтин»ни йиғиштириб олиндик. Ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди.

Бу ютуқларда чўлқувар сифатида ўзимнинг муносиб ҳиссам борлигидан фахрланаман. Албатта, ҳали олдимизда жуда катта вазифалар турипти. Чўл зонасидан янги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритишимиз лозим. Бу эса келгусида кўплаб қимматли «оқ олтин» етиштириш имконини беради. Ўн биринчи беш йиллик охиригача хўжалигимизда яна 300 гектардан ортиқ майдон ўзлаштирилади. Мен бу ерларни тезроқ мўл пахта ҳосили берадиган унумдор майдонларга айлантириш учун ўзимнинг ҳиссамни қўшаман.

З. АҲМЕДОВ,
«Ленинград» совхози механизатори.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

14 НОЯБРЬ—20 НОЯБРЬ

14 НОЯБРЬ ДУШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 Ҳужжатли фильмлар. 10.25 — Концерт. 10.55 — «Хайвонот оламида». 11.55 — Болалар учун фильм. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Бир қултум тоза сувдай». 16.25 — «К. Паустовскийни такрор ва такрор ўқиб...». 17.20 — Илмий-оммабоп фильм. 18.05 — Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати. 19.05 — «Футбол шарҳи». 19.35 — «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 20.10 — «Ёлғоннинг қадами узун». Фильм-спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ёлғоннинг қадами узун». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.15 — «Дунё воқеалари». 23.30 — Концерт.

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Бахтиёр яшанглар». 9.40 — В. Биков. Асарлари саҳифаларида. 10.35 — Илмий-оммабоп фильм. 10.50 — «Фан ва турмуш». 11.35 ва 12.40—Тарих. 12.05 — Рус тили. 13.10 — Физика. 13.40 — «Дала ва ўтлоқ ўсимликлари». 14.00 — «Ўқитувчига — музика сабоғи». 15.05 — Ўрта аср санъати. 15.35 — Э. Хемингуэй. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Телевизион журнал. 19.15 — «Санъат усталари». СССР халқ артисти Г. Мансуров. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.15—Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Арфанинг сеҳрли садолари». Фильм-концерт. 22.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крылья Советов» — «Спартак».

ЎзТВ-I. 18.05 — Мультфильм. 18.30 — Фильм-концерт. 19.00 — «Ёдимизда ва қалбимизда ҳамиша». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Ёзувчилар пахтакорларга. 20.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Саккиз ҳуқуқи». Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.30 — МТ-II. 18.00 — Илмий-оммабоп программа. 18.55 — Қизиқувчилар экрани. 19.25 — Телевизион фильм. 19.35 — Янгиликлар. 19.55 — «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Узга қиёфада». 8-серия. 21.30 — МТ-II.

15 НОЯБРЬ СЕШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 —Мультфильм. 10.00 — «Ёлғоннинг қадами узун». Фильм-спектакль. 12.30 — Концерт. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — «Нодар Думбадзе». Асарлари саҳифаларида. 17.30 — Концерт. 17.40 — Телевизион очерк. 18.10 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.40 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — «Сиз яратган боғ». 20.00 — «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Олам кинокамера кўзгусида». 23.10 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 15.10 — Француз тили. 11.05 — Эстетик тарбия. 11.35 ва 12.40 — Ботаника. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.10 — Шахмат мактаби. 13.00 — Тарих. 13.30 — География. 14.00 — «Золушка» балети. 14.30—Олимлар ҳақида очерклар. 15.40 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.10— «...16 ёшгача ва ундан катталарга». 19.55 — Фильм-концерт. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — «Время». 22.05 — «Кутишга вақтимиз йўқ». Бадиий фильм. 23.20 — Концерт.

ЎзТВ-I. 18.05—Мультфильмлар. 18.55 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Футбол чорраҳаларида. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05— «Хирмонингизга барака». 22.25 — «Армия — ҳаёт мактаби». Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.45 — МТ-II. 18.00 — Илмий-оммабоп программа. 19.05 — Эстетика асослари. 19.45 — Янгиликлар. 20.05 — «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Сўнгги учрашув». 9-серия. 21.30 — МТ-II.

16 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Концерт. 10.10 — «Кутишга вақтимиз йўқ». Бадиий фильм. 11.25 — «Саёҳатчилар клуби». 12.25 — «Биргаликда аҳил оиламиз». 12.45 — Телевизион ҳужжатли фильм. 13.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Концерт. 17.00—Мактаб ўқувчиларининг телевизион конкурс мусобақаси. 17.30 — Концерт. 18.10 — «Расмларда қуёш акси бор». 18.25 — «Инсон — замон соҳиби». 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.40 — «Спорт ҳафталиги». 20.15 — «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 — «Время». 22.05— Концерт. 23.35 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 10.05 ва 14.10 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 — Оталар, Сизлар учун». 12.30 — Илмий-оммабоп фильм. 13.10 — И. С. Тургенев. «Бежин ўтлоғи». 13.40 — Тарих. 14.40 — Телевизион очерк. 15.10 — Хўжаликни бошқариш мактаби. 15.40 — Ф. Купер. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45— Инсон ва қонун. 19.15 — Г. Марков. Ижоди саҳифалари. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.00 — Волейбол бўйича СССР кубоги. Хотин-қизлар. «Динамо» (Москва) — «Медин» (Одесса). 21.30 — «Время». 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Химик».

ЎзТВ-I. 11.30 — Ботаника. 12.00 — «Сўз кетидан сўз келар». 12.20 — Телевизион фильм. 12.30 — В. Маяковский. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 13.00 — «Армия — ҳаёт мактаби». Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Шоирлар — болаларга. 18.55 — «Ветераннар сафда». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Адабий альманах». 20.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — «Ўғай она». Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.30—МТ-II. 18.10 — Эстетика асослари. 18.50 — «Пойтахт области далаларида». 19.20 — Телевизион фильм. 19.40 — Янгиликлар. 20.00 — «Революция туфайли туғилган». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. «Сўнгги учрашув». 10-серия. 21.30 — МТ-II.

17 НОЯБРЬ ПАЙШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— «Қўшиқларимиз, парвоз эт». 10.05 — «Ёшлар». Бадиий фильм. 11.30 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 12.10 — Концерт. 13.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 — Концерт. 16.55 — Ҳужжатли фильм. 17.15 — Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 17.55— «Шахмат мактаби». 18.25 — Б. Тихонов чалади. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильм. 19.50 — Концерт. 20.15 — «Ўсмир». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.05— Телевизион ҳужжатли фильм. 22.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор» — «Соколл». 22.50 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Физика. 10.05 ва 13.30 — Испан тили. 11.05 — С. Есенин лирикаси. 11.40 ва 12.40 — Зоология. 12.05 — «Сиз яратган боғ». 13.05 — Тарих. 14.00 — В. Гюго. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.00 — «Камонинг сўнгги жасорати». Бадиий фильм. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Адабий ўқиш». 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Қўшиқлардан рақслар. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «Уйим тўри — қалбим қўри». Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 10.20 — Рус тили. 10.40 — Телевизион фильм. 11.30 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Зоология. 13.00 — «Пионерлар мамлакатида». 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.15 — «Сўз кетидан сўз келар». 18.35 — «Ҳовлимиздаги стадион». 19.00 — Телевизион фильм. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Халқ контроли экрани». 20.15 — Телевизион фильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Студентлик — «оқ олтин» даврим». 23.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II 9.00—16.35 — МТ-II. 18.00 — Телевизион фильм. 18.30 — Адабиёт. 19.00 — Ўқитувчи экрани. 19.30 — Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — «Эртага премьера». 21.30 — МТ-II.

18 НОЯБРЬ ЖУМА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— «Қувноқ стартлар». 10.25 — «Уйим тўри — қалбим қўри». Бадиий фильм. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Концерт. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — «Москва ва москвaликлар». 16.35 — Симфоник оркестр ижро этади. 16.45 — «Рус тили». 17.45 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Телеочерк. 19.45 — «Кузги этюд». 19.55 — А. Хачатурян. «Маскарад» балети. 21.30 — «Время». 22.05 — «Балли, қизлар!». 00.05 — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 13.50— Инглиз тили. 11.05 — Умумий биология. 11.35 ва 12.40 — География. 12.05 — СССР халқларининг куйлари. 13.10— В. Луговский поэзияси. 14.20 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 15.05 — 20-30-йилларда совет манзарали тасвирий санъати. 15.35 — Н. В. Гоголь. «Ревизор». 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50—Вальс. 19.00 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 — «Саёҳатчилар клуби». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Адабий ўқиш. 21.15 Ҳужжатли фильм. 21.30—«Время». 22.05—Телевизион кўрик конкурс. 22.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК.

ЎзТВ-I. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 12.45 — «Замандаш». 18.00 — Фильм-концерт. 18.30 — Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат. 19.00 — Фан уфқлари. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Наштар». 20.00 — «Дунё воқеалари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Женя, Женечка ва катюша». Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.25 — МТ-II. 18.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.40 — «Мева-сабзавот сифатли ва мўл бўлсин». 19.10 — Илмий-оммабоп программа. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Ёшлик». 21.20 — Телевизион фильм. 21.30 — МТ-II.

19 НОЯБРЬ ШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— Ҳужжатли фильм. 10.10 — Концерт. 10.20 — «Спортлотто»нинг 47-тиражи. 10.30 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.00 — «Ҳамма нарсани билишни истайман». 11.10 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 11.35 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.05 — «Мардлик қонунига биноан». 12.35 — «Москвичка». 14.05 — «Усимликлар олами». 14.50 — «Дўстларимиз чеҳраси». 15.35 — «Дунё воқеалари». 15.50 — «Бугун — Артиллерия ва ракета қўшинлари куни». 16.05 — Концерт. 16.50 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознисенский суҳбати. 17.20 — Мультфильм. 17.50— «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.50 — Суҳбат. 19.20 — «Мўлжални кўряпман». Телевизион бадиий фильм 1- ва 2 сериялар. 21.30 — «Время». 22.05— Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Рига). 23.25 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — Концерт. 9.50—Ҳужжатли фильм. 10.20 — «Тонгги почта». 10.50 — АРМАНИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 12.15 — «Ҳунар-техника бизим юрти, кейин қаерга!». 13.00 — Халқ чолғулари садолари. 14.00 — «Алоҳида ғамхўрлик билан». 14.30 — Кинопанорама. 16.30 — Концерт. 17.40 — Фильм-концерт. 18.35 — Мультфильмлар. 19.00 — «Партия ҳақида ҳикоялар». 19.45 — «Музикали киоск». 20.15 — «Халқаро обзор». 20.30—«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 — «Время». 22.05 — Созандалар музика ҳақида. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.25 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Хотин қизлар. МАСК — «Спартак» (Ленинград).

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Кинопрограмма. 10.50 — Концерт. 11.20 — «Шахмат мактаби». 11.50 — «Даурия». Бадиий фильм. 1-серия. 13.15 — «Киноредакция почтасидан». 14.00 — Спорт программаси. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — «Тенгдошларинг ижоди». 18.50 — «Бугун — Артиллерия ва ракета қўшинлари куни». 19.00 — Сиҳат-саломатлик. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Қўшиқнавис шоирлар». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Қўшиқнавис шоирлар» (давоми). 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.25 — «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

20 НОЯБРЬ ЯКШАНБА

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.25 — «Будильник». 10.55 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 — «Здоровье». 12.40 — «Тонгги почта». 13.10 — Телевизион ҳужжатли фильм. 13.20 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.20 — «Музикали киоск». 14.50 — «Ақлли буюмлар». Фильм-спектакль. 17.10 — «Саёҳатчилар клуби». 18.10 — Мультфильмлар. 18.45 — «Халқаро панорама». 19.30 — «Шоир Баратинский яшаган эди». 20.35 — «1983 йил қўшиқлари». 21.30 — «Время». 22.05 — «Дунё ва ёшлар». 22.40 — «Валентина Вишневская куйлайди». 23.30 — Янгиликлар.

МТ-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг!». 9.20 — Концерт. 9.50 — Мультфильм. 10.40 — Концерт. 11.30 — Илмий-оммабоп фильмлар. 12.05 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». 15.00 — Концерт. 16.50 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.20 — «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 18.35 — «Стадион ҳамма учун». 19.05 — «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 19.35 — «Сиз бунга қодирсиз». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Спорт сеҳргарлари». 21.30 — «Время». 22.05 — «Жаҳаннам оғзида икки йил». Бадиий фильм. 23.40 — Волейбол бўйича СССР кубоги. Финал мусобақалар. Хотин-қизлар. «Медин» (Одесса) — «Уралочка» (Свердловск).

ЎзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.30 — Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат. 19.00 — Фан уфқлари. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Наштар». 20.00 — «Дунё воқеалари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — «Женя, Женечка ва катюша». Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.25 — МТ-II. 18.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.40 — «Мева-сабзавот сифатли ва мўл бўлсин». 19.10 — Илмий-оммабоп программа. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Ёшлик». 21.20 — Телевизион фильм. 21.30 — МТ-II.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ҳаҳон янгиликлари

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон давлат металлургия корхоналари ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштирмоқда. «Ҳиндустан таймс» газетаси хабар қилганидек, бу корхоналар шу йилнинг октябрь ойида қарийб 370 минг тонна пўлат ишлаб чиқарди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46 минг тонна кўпдир. Бхилаи ва Бокарода СССР ёрдами билан қурилган комбинатлар Ҳиндистон давлат секторининг энг йирик ва энг замонавий металлургия корхоналаридир.

● БАНГКОК. Таиланд пойтахтида БМТнинг Осиё ва Тинч океан учун иқтисодий ва социал комиссияси қишлоқ хўжалиги комитетининг бешинчи сессияси очилди. Сессия иштирокчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва шу региондаги мамлакатларни озиқ-овқат билан таъминлаш тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқадилар.

● АДДИС-АБЕБА. Генерал-майор А. К. Горлинский бошчилигидаги уруш ветеранлари Совет комитети делегациясининг Эфиопияга қилган визити тугади.

Делегация аъзолари уруш ветеранлари Эфиопия уюшмасининг раҳбарлари билан музокаралар олиб бордилар. «Йекатит-66» сиёсий мактаби тингловчилари ҳузурида лекция ўқидилар, турли жамоат ташкилотларининг фаолияти билан танишдилар.

Икки мамлакат уруш ветеранлари музокаралар давомида империалистик давлатларнинг, аввало АҚШнинг халқаро кескинликни авж олдиришга ва қуролланиш пойгасини кучайтиришга қаратилган йўлини қатъиян қоралаганлар.

(ТАСС).

ОККУПАЦИЯЧИЛАРНИНГ ОРОЛДАГИ БЕБОШЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Гренадани қонунга хилоф равишда хиёнаткорона оккупация қилиб олган Америка қўшинлари бу оролни аслида «гарнизон давлатига» айлантирдилар.


«АҚШ қуролли кучлари, уларнинг Гренададаги ўт очиш қудрати ҳамма нарсани ер билан яксон қилмоқда», — деб уқтиради «Бостон глоб» газетасининг мухбири Гренада пойтахтидан берган репортажида. Мутлақо жазосиз қолишларига ишонч ҳосил қилган босқинчилар маҳаллий аҳолига нисбатан бедодлик ва бебошлик қилмоқдалар. Оккупациячилар йўлларга контрол-пропуск пунктлари қўйдилар. Америка солдатлари пойтахт ва бошқа шаҳарларнинг кўчаларида изғиб юриб, «ишончсиз» кишиларни, аввало М. Бишоп ҳукуматининг актив тарафдорларини ов қилмоқдалар. Интервенциячилар қамоққа олинган кишилар билан шафқатсизларча муомала қилиб, уларни таҳқирламоқдалар. «Тайм» ҳафтаномасида эълон қилинган фотосуратда Американинг денгиз пиёда қўшинлари аскари ерга қараб ётган уч гренадалик йигитни милтиқдан нишонга олиб турибди.

Вашингтон оролдаги ҳар қандай қаршиликни бостириб, ўзининг Гренадада қўғирчоқ «ҳукумат» тузиш режасини рўёбга чиқаришга киришди.

РЕЙГАНГА ҚАРШИ ДАЪВО

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Американинг янги ракеталарини Британия оролларига жойлаштириш «тинчликка хавф солишни тақиқловчи халқаро ҳуқуқ нормаларини қўпол равишда бузиш бўлади. Бу сатрлар Нью-Йорк федерал округ судида АҚШ президенти Рейганга, Пентагон бошлиғи Уайнбергерга, шунингдек Қўшма Штатлар ҳарбий ҳаво кучлари ва армия министрларига қарши қўзғатилган даъводан олинган. Даъвогарлар — 28 нафар инглиз аёли ва бола АҚШнинг Гринэм — Коммондаги ҳарбий-ҳаво кучлари базасида Американинг 96 та ракетасини келгуси ойда жойлаштириш режаси суд орқали тақиқлаб қўйилишини талаб қилмоқда. АҚШнинг таниқли сиёсий арбоблари — Америка конгресси вакиллар палатасининг аъзоларидан Т. Вайс билан Р. Деллэмс ҳам шу даъвогарларга қўшилдилар.

Аёллар судга мурожаат этган бир пайтда қанотли ракеталарга ва «Першинг»ларга қарши оммавий норозилик намойиши ўтказилди.



АНГЛИЯ. Гринэм-Коммон базасига улкан «Гэлакси» ҳарбий-транспорт самолётида (суратда) Америка қанотли ракеталари учун жиҳозлар келтирилди. Бу ерда тинчлик тарафдорлари ташкилотларининг норозилик чиқишларига қарши курашиш учун десантчилар ва кўплаб полициячилар тўпланган.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш базасидаги 214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—1984 ўқув йили учун

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: токарь-универсал (токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарь, электр пайвандчи, механика йиғув ишлари слесари фрезерчи, электр-монтажчи, машинада қолипламай бўйича қолипловчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.**

ҲАММА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини тугатгандан сўнг олган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, ўртача бали 4 ва 5 бўлса битирувчилар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига кирганлар ҳам билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар.

Ҳар ойда ўқувчиларга 76 сўмдан стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 проценти ўқувчиларга тўланади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида доимо спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ва халқ чолғу асбоблари ансамбли ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15—25 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см ҳажмидаги 6 дона сурат. Таржиман ҳоли.

Бошқа шаҳардан келиб билим юртига кириб ўқийдиганлар турар жойларидан пропискадан ўчишлари лозим, улар билим юрти ётоқхонасига прописка қилинадилар, шунингдек комсомол учётидан ўчишлари, ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси ҳужжатини, ВЛКСМ аъзолигининг учёт карточкасини комсомол билетини олиб келишлари шарт.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 112, 115-автобусларнинг «Ғалаба» боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 «Буратино кўргазмаси». 10.05— «Спортлото»нинг 46-тиражи. 10.15 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.40 — «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.10 — «Бадиий академия—225 ёшда». 12.00 —«Поэзия». 13.00 — «Голиблар». 14.30 — «Фан ва турмуш». 15.15 — «Дунё воқеалари». 15.30 — А. Бородин. Туғилган кунининг 150 йиллигига. 16.45 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 17.15 —«Хайвонот оламида». 18.15 —«Москва бўйлаб саёҳат». 18.30 — Мультфильм. 19.00 — «Инспектор Лосев». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 20.10 — Санъат усталарининг концерти. 21.30— «Время». 22.05 — Хоккей. «Сокол» — «Спартак». 23.50— Янгиликлар.

ЎзТВ II. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Пахтазорда учрашув». 11.10 — «Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати В. Державин». 11.40 — «Бугун —пропагандистлар куни». 12.10 — «Эшикни очинг, биров келди». Бадиий фильм. 13.30 — «Светофор». 14.30 — «Бунн ҳамма билиши ва уддалаши керак». 18.05 — «Тенгдош». 18.45 — «Оламга саёҳат». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.25 — «Эртага — премьера».

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Чирчиқ автобус-таксомотор паркига қарашли 2 тонна мой олиш учун берилган 873 номерли, 4 тонна дизель ёнилғисини олиш учун берилган 950 номерли ва 4 тонна дизель ёнилғиси олиш учун берилган 1001 номерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/XI да **Князь Игорь**, 13/XI да **Севгига севги билан** (12.00), **Чио-Чио-Сан** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/XI да **Соқов рицарь**, 13/XI да **Аризасиз кўра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/XI да **Мангулик**, 13/XI да **Тошкентликлар.**

Телевизион театр почтасидан. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.00 — «Даурия». Бадиий фильм. 2-серия. 14.25 — «Ўзбекистон спортни». 15.00 — «Ёшлик». 15.50 — Реклама. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — «Ўйлаб топ». 19.00 — «Инсон ва табиат». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Пахтазорда учрашамиз». Телевизион театр. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.25 — Киноконцерт.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

«Ташоблкниготорг» коллективи Чирчиқ китоб савдоси конторасининг директори Р. Н. Латиповага онаси

Зайнабхон

МАҚСУМХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИ ПОЙТАХТИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02290 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1714. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12